

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 26 (1257)

2020 ЙИЛ 9 ИЮЛЬ

## БАНК СОҲАСИДА СТРАТЕГИЯ ИЖРОСИ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

ПРЕЗИДЕНТ Шавкат Мирзиёев 6 июль кuni банк активларида хусусий сектор улушини 15 фоиздан 60 фоизга оширишга қаратилган 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш ҳамда мамлакат тижорат банкларининг трансформация жараёнини жадаллаштириш бўйича йиғилиш ўтказди.



қўйиш, комплаенс-назорат каби таъсирчан механизмларни жорий қилиш бўйича қатъий чоралар кўриши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Давлат активлари бор тижорат банкларида ҳукуматдан олинган маблағлар ҳиссаси ҳамон юқорилиги танқид қилинди. Хусусан, бундай кредитлар улуши Қишлоқ қурилиш банкда 41 фоизни, Ипотека банкда 32 фоизни ташкил этади. Ўтган йили банкларга давлат кафолати остида қарийб 600 миллион долларлик кредит линиялари жалб қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 570 миллион долларни ташкил қилади.

Шу билан бир қаторда, аҳолининг жамғарма ва муддатли депозитлари улуши йирик банкларда ўртача 5 фоизни ташкил этади, холос. Шу муносабат билан Марказий банкка тижорат банкларига аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича қўшимча таклифлар ишлаб чиқиш топшириғи берилди.

Президентимиз банклар молиявий ресурсларни давлат ёрдами ва кўмагисиз, мустақил жалб қилишлари зарурлигини қайд этди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Марказий банк ва тижорат банклари раҳбарлари ахборот берди.

ЎЗА

ТАДБИРДА ушбу мақсадга эришиш учун қатор муҳим масалаларни ҳал қилиш лозимлиги таъкидланди. Биринчи навбатда банклар трансформация жараёнини фаоллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳозирда 6 та тижорат банки – “Ипотекабанк”, “Санотқурилишбанк”, “Туронбанк”, “Асакабанк”, “Алоқабанк” ва “Агробанк” молиявий диагностика, истиқболли стратегияларни ишлаб чиқиш ва хусусийлаштириш масалалари бўйича халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни бошлаган. Бироқ, бошқа банкларни трансформация қилиш ишлари етарли даражада фаол олиб борилмаяпти, деди давлатимиз раҳбари.

Бу камчилиكنи бартараф этиш учун банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни хатловдан ўтказиш, Марказий банк ҳузуридаги Қайта тайёрлаш корпоратив марказида аввало жойлардаги банк ходимлари учун банклар трансформациясини тушунтириш бўйича ўқув дастурларини ташкил этиш топширилди.

Йиғилишда банкларнинг кредит портфели ва лойиҳалар сифатини ошириш масаласи муҳокама қилинди. Стресс-тестлар натижаларига кўра, муаммоли кредитлар улуши бир неча баробар кўпайиши мумкинлиги, бу эса банк тизими учун жиддий ха-

тар экани қайд этилди.

Шу муносабат билан муаммоли кредитларни ҳудудлар кесимида батафсил таҳлил қилиб, кредит портфели сифатини сақлаб қолиш бўйича таъсирчан механизм ишлаб чиқиш кўрсатмаси берилди. Марказий банк барча тижорат банклари кредит портфеллари хатловдан ўтказилгач, қийин аҳволга тушиб қолган ҳар бир мижознинг молиявий имкониятларини тиклаш бўйича аниқ чораларни ишлаб чиқиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда банк тизимида коррупцияга барҳам бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари барча тижорат банклари раислари коррупцияга чек



ҚАЙД этиш лозимки, Ипотека-банк томонидан давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 мартда қабул қилган “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан белгиланган банк олдига қўйилган қатор вазифалар ижроси юзасидан тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

## ЯНГИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИ ИШГА ТУШДИ

ХУСУСАН, Хоразм вилояти Хива ҳамда Урганч шаҳарларида Ипотека-банкнинг Тинчлик филиалига қарашли “Хива” ҳамда “Тараққиёт” банк хизматлари марказлари очилди.



(Давоми 3-саҳифада)

## “АСАКА” БАНК БОШҚАРУВИ РАИСИ: АСОСИЙ РЕЖА – ФИЛИАЛЛАРИМИЗДАГИ МИЖОЗЛАРИМИЗ БИЛАН ИНДИВИДУАЛ ТАРТИБДА ИШЛАШ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ томонидан Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш ҳамда мамлакат тижорат банкларининг трансформация жараёнини жадаллаштириш бўйича йиғилиш ўтказилган эди.


Тижорат банклари раҳбарлари мазкур йиғилиш ҳақида ўз муносабатларини билдирди.

Нодирбек САЙДУЛЛАЕВ, “Асака” банки АТБ бошқаруви раиси:

Ўтказилган йиғилишда асосан трансформация жараёни ҳамда бугунги кунда тижорат банкларининг энг долзарб вазифаларидан бири — мижозбай ишлаш соҳасида қатор топшириқлар берилди. Жумладан, бош офис ва вилоятлардаги филиалларимиз орқали пандемия шароитидан келиб чиқиб, мижозларимизга ҳамкор бўлиб, уларни қўллаб-қувватлаш юзасидан қатъий топшириқлар олдик. Буни, албатта, амалга ошираемиз.

(Давоми 3-саҳифада)





## МАРКАЗИЙ БАНК ОРОМГОҲЛАРДА БОЛАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ ЛОЙИҲАСИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИ

БОЛАЛАР ва ёшларнинг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар доирасида Марказий банк болалар оромгоҳларида ўйин кўринишидаги ўқув машғулотларини ўтказиш ташаббусини илгари сурмоқда.

ЖУМЛАДАН, жорий йилнинг 3 июлида Марказий банкда болалар оромгоҳлари тарбиячилари учун тренинг-машғулотлари ташкил этилиб, унда иштирокчиларга икки асосий йўналиш - ўйин кўринишидаги ўқув машғулотлари ва молиявий саводхонлик элементлари ёрдамида жисмоний машқларни бажариш дастури тақдим этилди.

2-7-синф ўқувчилари учун мўлжалланган машғулотлар "пул нима", "даромад ва харажатлар", "оила бюджети", " шахсий жамғармалар", "кредитлаш", "сугурта", "рисklar ва молиявий хавф-


сизлик", "банк картаси" каби мавзуларни қамраб олди.

Марказий банк томонидан машғулотларни ўтказиш учун тайёрланган баннерлар, плакатлар ва интерфаол тўпламлар шаклидаги услубий қўلانма тақдим этилди. Оммабоп тилда баён этилган услубий қўلانма тадбир иштирокчиларига (тарбиячилар) молиявий билимларни ўйинлар шаклида болаларга етказиш имконини беради.

Марказий банк ушбу лойиҳага қизиқиш билдирган ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдиради.

## ИПОТЕКА-БАНКИ: МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН ИЛК ТАНЛОВ

ИПОТЕКА-БАНК томонидан илк бор ўтказилаётган "Global Money Week" халқаро пул ҳафталиги доирасида мактаб ўқувчилари ўртасида эсселар танлови эълон қилинган эди.



"Мен қандай ва нима учун пул жамғараман?", "Қандай қилиб миллионер бўлиш мумкин?", "Банк 2040: у қандай бўлиши керак?" мавзуларида ўтказилган эсселар танлови қизгин мунозараларга бой бўлди.

Республика миқёсида ўтказилган танловнинг "Банк 2040: у қандай бўлиши керак?" мавзуси бўйича Тошкент шаҳридаги 50- умумтаълим мактабининг 8 "И" синф ўқувчиси Хондамир Қадиров биринчи ўринни эгаллади.

"Мен қандай ва нима учун пул жамғараман?" мавзусида Қўқон шаҳридаги 37-умумтаълим мактаби 5"А" синф ўқувчиси Муҳаммадамин

Ҳайдаров, "Қандай қилиб миллионер бўлиш мумкин?" мавзусида эса Урганч шаҳар 5-умумтаълим мактаби 4"Г" синф ўқувчиси Лайло Раҳматуллаевалар биринчи ўринни қўлга киритди.

Мавзу доирасида мустақил фикрларини баён этиб, ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларга Ипотека-банк томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Айтиш мумкинки, бу каби танловлар ўқувчиларга молия олами билан яқиндан танишиш, пулни қандай ва қай мақсадларда сарфлаш ҳақида илк тушунчалар шаклланишида муҳим роль уйнайди.



## ҲОЛИБЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

ЖОРИЙ йилнинг 3 июль куни "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки Бош офисига пандемия шароитида барча санитария талабларига риоя қилинган ҳолда "Умумжаҳон пул ҳафталиги" (Global Money Week) тадбири ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

МАЗКУР тадбир Республика Марказий банки ташаббуси билан тижорат банклари ҳамкорлигида 23-29 март кунлари бутун дунёда бўлиб ўтайдиган "Умумжаҳон пул ҳафталиги" (Global Money Week) тадбирлари доирасида ташкил этилди.

"Трастбанк"нинг Амалиёт бошқармаси, "Дархон" ва Қарши филиаллари томонидан март ойи давомида "Лидер таълим" ўқув муассасаси, Тошкент шаҳридаги 112- ва 225-сонли ҳамда Қарши шаҳридаги 3- ва 4-сонли ўрта мактаблари

ўқувчиларининг молиявий саводхонлигини ошириш, уларда молия, банк фаолияти, пул функциялари, даромад ва харажатларни самарали бошқариш бўйича назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга бўлишлари учун очиқ эшиклар кунлари ўтказилди.

Ўқувчилар банк ҳақида ўз билимларини мустаҳкамлаб, муайян тасаввурга эга бўлгач, банк оталиғидаги мактабларнинг 4-11 синф ўқувчи-

лари ўртасида "Пулни қандай ва нима учун жамғараман", "Қандай қилиб миллионер бўлиш мумкин", "Банк-2040 – у қандай бўлиши керак?" мавзуларида иншолар танлови ўтказилди.

Ҳар бир йўналиш бўйича ўқувчиларнинг тақдим этган иншолари таълим муассасаси томонидан тузилган комиссия томонидан батафсил ўрганиб чиқилиб, ғолиблар аниқланди.

"Пулни қандай ва нима учун жамғараман" мавзусида эълан иншолар ичида ғолиблик "Лидер" таълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Артур Пальянцга, "Қандай қилиб миллионер

бўлиш мумкин" мавзусида эълан иншо бўйича ғолиблик Тошкент шаҳридаги 225-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Хилола Юнусовага, "Банк-2040 – у қандай бўлиши керак?" мавзусидаги иншо ғолиблиги "Лидер" таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Саидрасул Ғуломовга насиб этди.

Банкнинг Бош офисига ташкил этилган тантанали тадбирда "Трастбанк" ХАБ Бошқаруви раиси Сардор Нормухамедов ижодий иш ғолибларини самимий муобрақбод этиб, уларни фахрий ёрлиқ ва samsung galaxy Tab s5e планшети билан мукофотлади.



## “АСАКА” БАНК БОШҚАРУВИ РАИСИ: АСОСИЙ РЕЖА — ФИЛИАЛЛАРИМИЗДАГИ МИЖОЗЛАРИМИЗ БИЛАН ИНДИВИДУАЛ ТАРТИБДА ИШЛАШ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Демак, буни трансформация жараёни бўйича, агар Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ўрганиш ишларини тугатадиган бўлсак, бир ой муҳлатда қарор лойиҳасини киритадиган бўлдик.

Банкимизнинг 2176 та ходимидан иборат ишчи гуруҳимизни бугунги кунда айланма маблағларга муҳтож бўлган 5235 та миждоимиз ва ҳозирги шароитдан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат фаолиятларини ривожлантириш орқали уларга яқин ҳамкор бўлиши тўғрисида вазифалар белгилаб олдик. Кейинги олти ойликка асосий режалар қилиб, ҳар бир 22 филиалимиздаги мавжуд миждоимиз билан индивидуал тартибда ишлаб, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини кўрамиз. Фақатгина ишлаб чиқаришни эмас, балки тайёр маҳсулотига бозор топиш бўйича ҳам жойларга чиқиб, миждоимиз билан учрашув-



лар ўтказиш бўйича ҳам келишиб олдик.

Банкимизнинг куйи тизимдаги ходимларига ўқув амалиётларини видеоконференц-алоқа ташкил этиш орқали эмас, аксинча, банк бошқаруви аъзолари билан бирга-лиқда ўргатишни ўзимизга мақсад қилиб қўйдик. Яқиндагина Молия вазирлиги билан биргалиқда кузатув кенгашига ҳам мустақил аъзоларни белгилаб олдик. Албатта, уларнинг ҳам бугунги кундаги тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, Президентимиз қўйган вазифаларни ўз вақтида амалга оширамиз.

ЎЗА

## ЯНГИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИ ОЧИЛДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Марказлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кенг кўламда банк ҳамда консалтинг хизматлари тақдим этилмоқда.

Шунингдек, марказда айланма маблағни тўлдириш, асосий восита сотиб олиш, қурилиш ташкилотларига қурилиш соҳасини кредитлаш хизматлари ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда юридик шахсларнинг кунлик савдо тушумларини қабул қилиш учун универсал касса хизматлари 24/7 режимида фаолият олиб бормоқда.

Йирик савдо мажмуаси ҳудудида жойлашган ушбу марказлар замонавий банкومات ва инфокиосклар билан

таъминланган бўлиб, бу ерда савдо мажмуасига ташир буюрган аҳоли ҳамда меҳмонлар куннинг исталган вақтида миллий ва халқаро пластик карталардаги маблағларни нақдлаштириш, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш халқаро пул ўтказмалари хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилган.

Қайд этиш лозимки, Ипотека-банк томонидан малакати-мизнинг бошқа ҳудудларида ҳам намунали банк хизматларини тақдим этувчи мана шундай банк хизматлари марказлари очиш кўзда тутилган. Барча миждоимизни янги маркази-мизда кутиб қоламиз.



Реклама ўрнида.



**TURON  
BANK**

## “ТУРОНБАНК” КЎМАГИДА

ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ 40 ДАН ОШДИ

**ҚУРИЛИШ** саноати иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш борасида катта имкониятларга эга соҳалардан бири ҳисобланади. Боиси, у кўплаб саноат тармоқлари учун талаб яратади. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар марказининг ҳисоб-китобларига кўра, қурилиш соҳасининг иқтисодиёт учун мультипликатор эффекти 1,8га тенг. Яъни, қурилиш соҳасига киритилган 1 бирлик инвестиция ялпи ишлаб чиқариш ҳажмининг 1,8га кўпайтиради. Шунингдек, бу соҳада 1,3 млн нафар аҳоли иш билан банд.

**ИҚТИСОДИЙ** фаолликнинг пасайиши қурилиш ишларини камайтириши, бу эса, ўз навбатида, қурилиш материалларига бўлган талабни пасайишига ва ишсизлик миқдорини кўпайишига олиб келади. Карантин даврида қурилиш ҳажмлари камайишига йўл қўймаслик ва соҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар

тўғрисида”ги фармони билан қурилиш соҳасига қўшимча 3,6 триллион сўм маблағ ажратилди.

Президентимиз қурилиш соҳасидаги ишларни янада кучайтириш борасида аниқ ечим ва йўналишлар кўрсатиб берди. Мазкур чора-тадбирлар қурилиш саноатининг учта энг йирик тармоқлари — қурилиш ишлари, қурилиш материалларини ишлаб чиқиш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси қурилишини қамраб олади.

Маълумотларга кўра, жорий йилда 86 триллион сўмлик ёки ўтган йилга нисба-

тан 10 фоизга кўп қурилиш ишлари бажарилиши мўлжалланган. Албатта, қурилиш ишлари кўпайиши қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам оширишни тақозо этади. Бу эса мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарига янги вазифалар ва талаблар қўйиши аниқ.

Энг аввало, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми оширилади. Энергия тежамкор қурилиш материаллари ишлаб чиқариш борасидаги лойиҳалар қўллаб-қувватланади. Ана шундай лойиҳаларни иқтисодий қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этаётган банклар қаторида “Туронбанк”нинг ҳам ўз ўрни, муносиб ҳиссаси бор. Банқдан кўмак олиб, фаолиятини кенгайтирган корхоналар орасида Тошкент шаҳридаги “ALINA-COLOR-GROUP” корхонаси ҳам қатор ютуқларга эришмоқда.

— Карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда,

барча қурилишларни давом эттиришга рухсат берилгани, қурилиш корхоналари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларнинг объектларга бориши учун тўсиқсиз ҳаракатланишига шароит яратилган боис бозор юриши қолди, — дейди “ALINA-COLOR-GROUP” корхонаси раҳбари Ёқубжон Шоммиев. — Шу кунларда қурилиш фирмаларидан йирик буюртмалар олиб, қувватларимизни қайта тикламоқдамиз.

Мазкур корхонага “Туронбанк”нинг 1,8 млрд. сўмлик кредити уч ойлик имтиёз билан бир йилга берилган. Уй-жой, бинолар қурилиши учун зарур бўлган барча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада энг харидоргир бўлган 40 турдан ортиқ маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Маҳсулотлар республика-мизнинг барча ҳудудларига етказиб берилмоқда. Мисол

учун, корхона ойига 30 тонна турли буюқлар, 40-50 тонна атрофида қуруқ қурилиш қориммалари аралашма, 70-80 тонна эмульсия маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Яқиндан эса деворларни декоратив безашда кенг қўлланилаётган краверсин маҳсулотини тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, “ALINA-COLOR-GROUP” маҳсулотларининг сифат даражаси қурувчи ташкилотлар, мутахассислар ва оддий истеъмолчилар томонидан доимий равишда юқори баҳолалиб, эътироф этиб келинмоқда. Бир сўз билан айтганда, “Туронбанк” АТБ томонидан иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилган мақсадли сармо-ялар ҳамда кичик бизнес вакилларига ажратилаётган кредит маблағлари аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

# САЙТЛАР ФАОЛИЯТ КЎЗГУСИ ЭМАСМИ?

КЕЙИНГИ пайтда турли мавзуларда қалам тебратадиган блоггерлар анча кўпайди. Уларнинг орасида банк-молия тизимида ижод қилаётганларнинг борлиги кишини қувонтиради. Ана шулардан бири REPORTER телеграм канали юритувчиси бўлиб, каналда банк-молия тизимида доир бир қатор долзарб чиқишлар бўлиб турибди. Шунини инобатга олган ҳолда сиз азиз ўқувчиларга мазкур каналда тақдим этилган бир мақолани таҳрирсиз беришга қарор қилдик.

**ТАҲРИРИЯТ.**

Аслида бу мавзуда ёзмоқчи эмас эдик. Лекин шу йўналишдаги қизиқувчилик ва касб тақозосига кўра жазм этдик. Қолаверса, дам олиш кунлари мамлакатимизда банклари нима хизматлар таклиф қилаётганини, ҳозирги кундаги салоҳиятини билиш учун уларни сайтини кўриб чиқиш ҳам томонлама манфатли эди. Ўйлаб-ўйлаб банкларимиз виртуал оламга қилган саёҳатларимиз натижасини сизлар билан баҳам кўришга аҳд қилдик.

Аввал-бошдан айтилайлик: биронта банкнинг сайти кўнгилмизга ўтирмади. Чунки, излаган нарсангни тополмайсан, топанганда эса анча-мунча вақтингни, пулга чақилиб ҳисобланадиган "мега-байтинг"ни сарфлаб қўясан. Масалан, тижорат банкнинг кредит сиёсати. Бу ҳар қандай банкнинг йил давомида қиладиган ишларининг бош ҳужжати. Йўқ. Наҳотки, тижорат банклари йўлчи юлдузсиз, режасиз, ҳаёт оқимига қараб, сувверса.

Шунингдек, ТИФ Миллий банки, "Асака" банк, Халқ банки, "Мадад-Инвестбанк", "Ипотека-банк", "Трастбанк", "Саноатқурилишбанк", "Туронбанк", "Микрокредитбанк", "Алоқабанк", "Капиталбанк" "Orient-Finans" банк, "Ҳамкорбанк" ва "ҚДБ" банкларнинг веб сайтлари доимий иш фаолиятида бўлиб, расмий веб-сайтни юритиш талабларига асосан ҳафтада 2-3 марта янгиланиб туриларкан. "Азия-Альянс банк", "Пойтахтбанк", "Инфинбанк", "Савдогарбанк", "Универсалбанк", "Даврбанк", "Равнақбанк" каби банкларнинг охириги янгиланмаган.

Энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг, тижорат банкида Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёсат департаменти ташкил этилмаган ва замонавий коммуникацияни йўлга қўядиган профессионал жамоа билан бутланмаган, ушбу вазифалар кимни қизиктиради?

Бугун банк соҳаси жадал ўсиб бораётган тизим. Ахборот технологияларининг жадал тараққийоти банкларнинг нонини туя қилмоқда. Бинобарин, банклар ўз хизматларини рақамли платформага кўчирмаса, билингни, у банкнинг истиқболи йўқ.

Айни замонда сайт ва салоҳиятли мижозлар ўртасидаги муносабатларни ушлаб турувчи, уни мустаҳкамловчи восита банкларнинг веб-сайти саналади. Веб-сайт мижозларнинг банк ҳақида ўзларига керакли ахборотни олиш, банк хизматлари билан танишиб бориши учун қулай восита.

Ахир банк хизматлари тўғрисида, кредитлаш турлари ва шартлари, ҳисобрақам очиш, валюта курслари, омонатлар, банко-

матлар... ҳақида кўп вақт сарфламай, осон ва содда тилда ёзилган маълумотлар пакедини яна қаердан олиш мумкин. Ахир сайт банк фаолиятининг кўзгуси-ку.

Афсус, банкларимиз ана шундай катта имкониятдан имкон даражасида фойдаланмаяпти. Бизнингча олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ дегани шу бўлса керак. Битта сайт интерфейсининг ўзи, дизайни мижозларни жалб қилишда катта аҳамиятга эга. Сайтдан фойдаланувчилар банк ҳақида долзарб ахборотлар билан танишиш, банк маҳсулотларидан, жорий акциялар ва тадбирлардан хабардор бўлиш, банк ходими билан онлайн суҳбат қўра олиш имкониятига эга бўлиш керак эмасми?! Бу замон талаби!

Веб-сайтлар Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги "Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 171-сонли қарор билан тасдиқланган 1-иловага мувофиқ яратилиши лозим.

Сайтларнинг қашшоқлиги сабабларини йўл-йўлакай ўрганишларимиз уларнинг эгасизлигида, яъни аниқ бир ҳодимнинг масъул этиб тайинланмагани билан изоҳланади. Сайтни юритиш, қайсидир бирида Матбуот хизматига, яна бирида Стратегия бошқармасига (маркетинг бўлимига), учинчи бирларида Ахборотлаштириш бошқармалари зиммасига юклатилган. Бу ишни шунчаки вазифа ёки оддий юмуш қилиб бўлмайди, унга масъул одам тайинланиши керак, одатдагидек бу иш юклатилган одам барибир биринчи навбатда ўз ишини қилади, қолган ишларни топшириқ бўлгандагина бажаради.

Яна такрор айтамиз: банкнинг веб-сайти мижозлар билан мулоқот қилишнинг улкан платформаси. Ўз маҳсулотини миллионлаб сўм сарфлаб бегона майдонларда реклама қилмайди, балки ўз сайти орқали илгари суради. Бунинг учун сайтга масъул керак, сайтни имкониятларини сафарбар этиш лозим. Ана шунда банк сайтлари ўзига аудитория йига бошлайди.

Хулоса қилиб айтганда, биз аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, иқтисодий фаоллигини жўштиришни мақсад қилиб кўйган эканмиз, бунинг учун сайтларни эпаккага келтириб олишимиз зарур бўлади. Бунинг учун номи юқориди зикр этилган қарор ижросини таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга масъул идоралар, регулятор сифатида Марказий банкдан кескин чоралар кўрилишини тилаб қоламиз. Зора, биз мижозлар ўзимизга зарур ахборотларни банк ходимларини сарсон қилмай ўзимиз топиб олсак. Шунда нур устига аъло нур бўлур эди...

## СТАТИСТИКА

2020 йил апрель-июнь ойларида банк тизимида нақд пуллар айланмаси мамлакатимизда коронавирус пандемияси шароитида юзага келган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар таъсирида шаклланди.

### МАРКАЗИЙ БАНК НАҚД ПУЛ МУОМАЛАСИ БЎЙИЧА ҚИСҚАЧА ШАРҲНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

ЖУМЛАДАН, жорий йил март ойининг иккинчи ярмидан эълон қилинган карантин талабларининг май ойига келиб бироз юмшатилиши натижасида иқтисодиёт субъектларининг фаоллашуви банклар кассалари орқали нақд пуллар айланмаси динамикасига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

2020 йил апрель ойида банклар кассаларига нақд пул тушумининг март ойига нисбатан қарийб 41 фоизга камайиши кузатилган бўлса, июнь ойида апрелга нисбатан 85 фоизга кўпайиб, 14,6 трлн. сўмни ташкил этди.

Бироқ, июнь ойидаги кўрсаткич карантин шароитидан олдинги даврдаги ҳолатдан (жорий йил январда – 15,8 трлн. сўм) бироз камлигича қолмоқда. Шунингдек, бу кўрсаткич эпидемиологик ҳолатнинг яхшиланиши ва карантин талабларининг юмшатилиши ортдан кейинги ойлarda ижобий томонга ўзгаришини кутиш мумкин.

1-расм

#### НАҚД ПУЛ ТУШУМЛАРИ ҲАЖМИ ВА ТАРКИБИ ДИНАМИКАСИ

млрд. сўмда




Нақд пул тушумларининг июнь ойида апрелга нисбатан ўсиш ҳажмининг қарийб 3,5 трлн. сўми савдо ва пуллик хизматлардан, 1,4 трлн. сўми банк хизматлари бўйича тушумлар ҳиссасига тўғри келди. Бу "яшил" ва "сарик" ҳудудлардаги савдо ва хизмат кўрсатиш объектилари фаолиятининг қайта тикланиши ҳамда автоматизация ҳаракатига нисбатан таъқиқларнинг юмшатилиши, шунингдек, аҳоли томонидан бўш маблағларни банк омонатларига, кредитларнинг қайтарилишига ҳамда нақд чет эл валютасини сотиб олишга йўналтирилиши ҳисобига юзага келди.

2-расм

#### Нақд пул тушумлари ҳажми ва таркиби динамикаси (2018-2020 йил январь-июнь ойлари)

млрд. сўмда



Ўз навбатида, 2020 йилнинг апрель ойида банклар кассалари (шу жумладан, банккоматлар) орқали чиқим қилинган нақд пуллар март ойига нисбатан 35 фоизга камайиши кузатилган бўлса, июнь ойида бу кўрсаткич апрель ойига нисбатан 53 фоизга кўпайиб, 14,8 трлн. сўмни ташкил этди.

Карантин шароитида пенсия ва нафақа тўловлари, бюджет тизими ташкилотлари, шунингдек, фаолиятини тўхтатмаган стратегик корхоналар ходимларининг иш ҳақларининг тўлаб борилиши натижасида банклардан ушбу мақсадлар учун нақд пуллар чиқими нисбатан барқарор сақланиб қолди.

Яна бир эътиборли ҳолат, 2020 йилнинг июнь ойида банк карталарига жами 15,9 трлн. сўмлик маблағлар келиб тушиб, ушбу даврда банк карталаридаги 6,1 трлн. сўм аҳоли томонидан нақдлаштириб олинди.

**МА ЁЛУМКИ**, жамиятимизнинг демократик тамойиллари асосида ривожланиши, мамлакатимизда бозор иқтисодиётини том маънода шаклланиши, иқтисодий ислохотларни амалга оширилиши ҳамда мулкчилик шаклини ўзгартириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш ҳамда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.



## ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА СУҒУРТАНИНГ АҲАМИЯТИ БОРМИ?

БАРЧА соҳалар қаторида республикаимизда суғурта хизмати такомиллаштириш давр тақозоси ҳисобланади.

Суғурта хизматининг кўп асрлик тарихи ва тажрибаси, унинг жамият иқтисодиётига ижобий таъсир қилувчи давлат тизимини барқарорлаштирувчи кучли омил эканлигини исбот этди. Азалдан қишлоқ хўжалиги соҳаси мамлакатлар озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаб, бу соҳанинг инқирозга учраши мамлакатларни четдан озиқ-овқат келтириб берувчиларга қарам бўлиш хавфини оширарди. Қадимги Миср, Бобил, Хитой ва бошқа ривожланган жамиятларда, қишлоқ хўжалигини инқирозга учрамаслиги учун дастлабки суғурта тизимлари жорий этилган. Бу тизим асосан мажбурий кўринишда бўлиб, серҳосил йилларда деҳқонлар ўз ҳосилларининг маълум бир қисмини солиқ сифатида қишлоқ оқсоқоллари ёки солиқчиларга топширишган. Ҳосилнинг бир қисми давлат эҳтиёжларига йўналтирилса, қолган қисми бир-неча йилларга етадиган махсус уруллик ғалла ва шоли ғарамларига йўналтирилган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида хатарларни тан олмаслик ва хатарларни бошқариш тизимини ривожлантиришдан бош тортиш айрим қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини ва баъзан қишлоқ хўжалигини ва умуман жамиятнинг узлуксиз ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин. Бунга бир қатор сабаблар асос бўлиши мумкин, масалан:

1) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг даромадлари табиий офатлар ва бошқа кутулмаган ҳодисалардан кафолатланмаганлиги, уларнинг келгусида хўжалик юритишига катта хавф тугдирди. Бу қишлоқ хўжалигида машғул бўлган меҳнат ресурслари бандлиги ва уларнинг даромадларига салбий таъсир кўрсата-

ди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигига алоқадор ва хизмат кўрсатувчи тижорат тизимларида ҳам капитал айланиши сустлашишига олиб келади, яъни ерга ишлов берувчи тракторлар, асбоб-ускуналардан тортиб то оддий қишлоқдаги қосиб ва хунармандлар ноозуқабол моллари сотилиши камайди.

2) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган хатарларнинг мавжудлиги, аерар соҳани самарали кредитлаш тизимини яратишга тўсқинлик қилиши мумкин. Сабаби, мавжуд хатарлар кредит қайтмаслиги хавфини ошириб, қишлоқ хўжалигини кредитловчи банк тизимини инқирозга уратилиши мумкин.

Суғурта, айниқса, бозор муносабатларининг ривожланиш даврида, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат қуролларини турли кутулмаган ҳоллардан моддий, молиявий ҳимоялаш, уларнинг эътиборини кўпроқ ишлаб чиқариш жараёнидаги рақобат муаммоларига қаратишларига шароит яратиб берилади.

Қишлоқ хўжалик суғуртаси тизими юқорида зикр этилган ва бошқа кўпгина сабабларга кўра қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида мавжуд хатарлар оқибатларини олдини олишда энг самарали восита ҳисобланади. Шу муносабат билан, ҳозирги даврда, суғурта бозорини, суғурта ташкилотларини фаолиятини ҳамда суғурта хизматидан фойдаланувчиларни маълум бир талаб даражасига кўтаришда суғуртанинг моҳиятини ва ҳуқуқий асосларини ёритиб берувчи, ундаги муаммоларни ечиш йўллари-ни таҳлил қилиш борасида қонунчилик соҳасида олиб борилаётган ишларнинг аҳамиятли эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 февраль Фармони билан ташкил этилган "Ўзагро-

суғурта" акционерлик суғурта компанияси қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ягона компаниядир.

Ана шу фармонга асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларнинг мол-мулкни, экинлари ҳосили, маҳсулот етиштириш учун аванс тариқасида ажратиладиган маблағлар қайтариллиши учун жавобгарлик, маҳсулот етиштириш учун тижорат банкларида олинмаган мақсадли кредитларнинг қайтариллиши бўйича жавобгарлик, шунингдек қишлоқ жойлардаги юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизмати кўрсатиш белгилаб берилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ўтган даврларда санация қилинган хўжаликлар билан тўлиқ суғуртавий алоқалар ўрнатилди, фермерлар орасида суғурта хизматини олиб бориш такомиллаштирилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда хўжалик ва фермерлар ҳар хил табиий офатлар туфайли кўрган зарарлари учун суғурта шартномалари асосида сезиларли молиявий ёрдам олдилар ва улар суғуртанинг моҳиятини чуқурроқ ҳис этмоқдалар.

Шу билан бирга аксарият хўжаликлар ва фермерлар тузилган ихтиёрий суғурта шартномалари бўйича ҳисобланган бадалларни суғурта ташкилоти ҳисобига ўтказиб беришда молиявий етишмовчиликлар мавжудлиги туфайли кўпчилик тузилган шартномалар кучга кирмай қолмоқда.

Демак, қишлоқ хўжалик суғуртаси тизимининг асосий мақсади ва вазифаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаб, уларга табиат инжиқларига қарши молиявий ҳимояни тақлиф этишдан иборат.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигида ҳосилни етиштириш ва уни суғуртавий ҳимояга олиш, мамлакат иқтисодиётни ривожланти-

ришда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва қишлоқ туман аҳолиси учун барқарор суғурта бозорининг келгусидаги ривожланиши долзарб вазифа бўлиб қолади. Дунё амалиётида ҳосил суғуртаси қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларини турли қалтисликлардан ҳимоя қилувчи кафолат бўлиб қолади. Бу билан мамлакат иқтисодиётининг аграр секторининг барқарорлиги таъминланади, озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси, экспорт қилинувчи маҳсулотлар ишончлилиги таъминланади ва иқтисодиётнинг режалаштириш савияси кўтарилди.

Қишлоқ хўжалик экинларидан барқарор юқори ҳосил олишнинг асосий омил агросаноатнинг илмий асосланган талабларини муттасил бажариб боришдир. Бу омил тупроқни экишга тайёрлашда зарур тадбирларни ўтказишни, тупроққа органик ва минерал ўғитлар тўпламини киритиш, туманларга мослашган уруллар навини тўғри танлаш, экиш (ўтказиш) муддатларига амал қилиш, уруғ миқдорини тўғри танлаш, майса (кўчатлар) ривожининг турли босқичларида уларни сифатли парвариш қилиш, ҳамда ҳосилни ўз вақтида, нобудсиз йиғиб олишни ўз ичига олади. Барча агротехник қоидаларни қўлланиши хўжалик жойлашган ердаги табиий-иқлимий ҳамада тупроқ шароитларини, кўрилаётган қишлоқ хўжалик йилининг аниқ имкониятини, устирилаётган экин турини, ҳосилни қандай мақсадга мўлжалланганлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади. Агротехник талабларга амал қилиш ҳосилнинг камайиши ёки нобуд бўлишининг олдини олади. Бу талабларга амал қилмаслик қатор ҳолларда ҳосилнинг нобуд бўлиши (зарарланиши) нинда бевосита ёки билвосита сабабчиси бўлади. Шу билан бираг агротехника ўсимлик-

лар касаллиги зараркундалари, нохуш табиий омиллар каби манфий таъсирлар эҳтимоллиги ҳақидаги махсус огоҳлантириш услубларидан фойдаланишни кўзда тутати. Агротехник қоидалардан хабардор бўлишида суғуртанинг қизиқиши катта аҳамиятга эга.

Суғурталашнинг ихтиёрий шаклида хўжаликларнинг асосий агротехник талабларига риоя қилишлари суғурта шартномаси тузишнинг асосий шартидир. Суғурта шартномаси одатда, бирор қишлоқ хўжалик экин турини кўрилаётган ерда ечиши (ўтказиш)нинг муддатидан олдин тузилиши ҳам мумкин. Тузилган шартнома хўжалик томонидан сепиш (ўтказиш) парвариш қилиш қоидаларига риоя қилмаган тақдирда бекор қилинади.

Навбатдаги ўта асосли шарт бу зарар миқдорини белгилаш алоҳида бригада-лар доирасида ўтказилмай, балки бутун хўжалик доирасида ўтказилишидир. Бу унча катта бўлмаган йўқотишларда суғурта фондини майдаланишига имкон бермайди, шу билан бирга катта йўқотишлар тўловини тўлашга имкон яратади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалик корхоналарини ҳамда фермер хўжаликларини табиат инжиқликлари натижасида кўриладиган молиявий зарарларини, суғурта муносабатлари орқали қопланиши натижасида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш мумкин экан. Демак, мамлакатимизда, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги суғурта-вий муносабатларни ривожлантириш ва унда жаҳон тажрибаларини ўрганиб чиқиш асосида ўзимизга ҳос суғурта тизимини ташкил қилиш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолади.

**Хуршид ЭРГАШЕВ**  
Тошкент давлат  
иқтисодиёт университети  
таянч докторанти






## ЎЗБЕГИМ БОШИДА ДОИМО ДЎППИ БЎЛСИН

Юртимизнинг баъзи бир тоғли қишлоқларида ҳали ҳам туғилган ўғил бола чақалоқларга дўппи кийгазиш маросими бор. Чунки дўппи кийган боланинг мияси бутун, имони бут, қобиляти юксак бўлармиш.

Тошкент шаҳрининг “Эски Жўва” бозорига кириб, дўппи тикиш санъатига бўлган муҳаббат бугунга келиб юз чандон ошганига ишонч ҳосил қилдим. Бозорнинг хунармандчилик бўлимида ҳали ҳам Республикаимиздаги минглаб дўппи тикадиган чеварларимиз, касаначиларимиз, хунармандларимиз, суяги дўппи тикиш билан қотган сулолаларнинг вакилларининг иш намуналарини кўриб, қалбингизда гурур пайдо бўлади.

Айниқса, Ўзбек деган номнинг дунёга машҳур бўлишида дўппи тикадиган хунармандларнинг ҳам ҳиссаси катта. Хорижлик сайёҳ меҳр, кўз нурини кўшиб ижод қилган чевар нақшларни кўриб ҳайратланади. Дўппини ушлаётган титроқ бармоқлар нимани сезяпти, танти ўзбекнинг меҳриними, бетакрор санъатиними ёки рамзлар орқали айтган фикрини ўқияптими?!



Ўзбек дўппиларидаги ҳар бир нуқтанинг маъноси бор. Одамнинг кийган дўпписига қараб, унинг ички дунёсини ўқса бўлади. Ундаги ботиний ва зоҳирий рамзалар-чи? Мана кувенинг киядиган дўпписига бир қаранг. Унинг тўрт томонига тикилган гаримдори нусхаларини битта нуқта-маркази бирлаштириб турибди. Бу ёмон кўзлардан, паст назарлардан ҳимоя қилади. Болаларнинг кўзи қувонсин деб, зарларни кўп ишлаатамиз. Бу суннат тўйда кийиладиган буниси мучал тўйиники... Ҳар бирида яширин маънолар, рамзлар бор. Хоҳлаганингизни танлаб олаверасиз.

Афсуски, кейинги пайтда дўппиларимиз фақат маросимларда, тантанали кечаларда ёки фақат ёши улугларимиз бошида кийиладиган бўлиб қолди. Лекин оталаримизнинг айтишича, уларнинг ёшлигида катталар бошида дўпписи йўқ болани дастурхон бошига йўлатишмаган экан. Бундан ҳам бир ҳикमत бордир. Таассуфки, биз бу ҳикматнинг маъносини англамасдан ўзлигимиздан йироқлашаётганга ўхшаймиз. Сиз нима дейсиз азиз ўқувчи?

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Ота – боболаримиз фойдаланган идиш – товоқларнинг фойдали хусусиятлари жуда кўп. Аҳдоқларимиз кимёвий ишланган идишларда эмас, аксинча, табиатан фойдали идишларда овқатланганлар ва бу анъана кўп хонадонларда ҳозир ҳам мавжуд. Оқила уй бекалари эса таомнинг мазаси, у тайёрланаётган идиш турига ҳам боғлиқлигини жуда яхши билишган. Шифобахш хусусиятларга эга идиш учун олинадиган хом ашёлардан бири дарахтдир. Уларнинг орасида ҳам энг фойдалилари бор. Айниқса тол, ўрик, заранг, ёнғоқ, чинор, жўка, тут дарахтларидан тайёрланган идиш – товоқлар ўзининг фойдалилиги билан алоҳида ажралиб туради.

Кўпчиллигимиз ёғочдан ишланган қошиқ ва идишларни фақат “сувенир” сифатида кўришга ўрганиб қолганмиз. Аммо пазанда уй бекалари ва мамлакатимизнинг чечка қишлоқларида яшовчи аҳоли хонадонларида ҳали – ҳануз ёғоч идишлардан фойдаланиб келишади. Момоларимизнинг айтишларича, уларда сақланган озиқ – овқат маҳсулотлари узоқ вақт ўз фойдали хусусиятларини йўқотмайди, балки таомнинг мазасига маза қўшади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ёғочда ошловчи моддалар кўп бўлиб, микроблар кўпайишига йўл қўймайди. Шу туфайли унда сақланган маҳсулот тез айнимайди, балки инсон учун кўпгина фойдали витаминлар билан бойийди. Яъни ёғочдаги шифобахш қувват егулик орқали инсонга ўтади. Жумладан тол товоқда ош, шилпилдоқ ёки бошқа таомлар ейилса ундаги бир оз тахир лекин ёқимли таъм овқатга ўтиб киши иштаҳасининг очилишига ёрдам беради. Ўрик ва ёнғоқ дарахтларидан ишланган идишлар ҳам жуда фойдалидир. Момоларимизнинг бошидан иссиқ ўтган гўдакларни толнинг ёш новдаларини ивйтиб қўйиб чўмлтиришганини кўп кўрганмиз.

– Мураббо тайёрлашда ёғоч қошиқлар қанчалар зарурлигини, ноз – неъматлар металл таъсирини ёқтирмаслигини кўпчиликлари биледи, – дейди доришуно Ақмал Соатов. – Мева таркибидagi фойдали элементлар металл идишда эзилади, ёғоч идишда эса аксинча. Шу боис таом ёки доривор гиёҳ ёғоч қошиқдан фойдаланилган ҳолда тайёрланилса, витаминлар парчаланмайди, асосийси зарарли ишқорланмиш юз бермайди. Хўл меваларни эса дарахт новдаларидан тўқилган саватда сақлаш

## ОДДИЙЛИКДА ГАП КЎП



мақсадга мувофиқ. Қошиқлар урф бўлмаган пайтларда боболаримиз таомни қўлда истеъмол қилишган-ку. Албатта, бунинг ҳам ўзига хос афзаллик жиҳатлари кўп. Ҳатто янги туғилган чақалоқларни чўмлтиришда ҳам ёғоч чўмичлардан фойдаланиш қони фойда. Агар у жўка дарахтидан ишланган бўлса яна ҳам яхши, чунки дарахт ёғочи барча фойдали хусусиятларини сувага чиқаради.

Ҳақиқатан, бармоқларимиз учларида жуда кўп асаб тугунлари жойлашган бўлиб, улар овқатнинг қанчалик иссиқ ёки совуқлиги тўғрисида миямизга маълумот жўнатиб, овқатни тановул қилишга организмимизни тайёрлайди. Зеро, Пайғамбаримиз ўта иссиқ ва ўта совуқ таомлардан қайтарганлар.

Ҳозирда ҳам ота – боболаримиздан мерос бўлиб келаётган ёғоч идишларда доривор гиёҳларни майдалаш, толқон қилиш, сумалакнинг бугдойини эзш учун қўлаки, ёғоч ўғир (кели), қатиқнинг сариёғини ажратиб олиш учун ёғоч қувлардан фойдаланишади. Мана шундай идишдан олинган сариёғиннинг мазаси биз дўконлардан сотиб олаётган сариёғлардан мазалироқдир.

Сополдан ишланган уй – рўзгор буюмлари ҳам жуда қадимий бўлиб, ўтмишимиз, ота – боболаримизнинг маданиятидан ҳикоя қилувчи табиий маҳсулотдир. Кўплаб шифобахш хусусиятларга эга сопол идишларни ясашда илгари лой таркибига ҳеч қандай сунъий қўшилмалар аралаштирилмаган. Ҳатто уларни безаш учун бўёқ ҳам қўлланилмаган. Кулоллар кўз қўри, меҳри ила бунёд бўлган идишлар таомга ўзгача қувват бағишлайди, саломатлик учун жуда фойдали. Авваллари сопол товоқларда овқат пиширишган, сув қайнатишган. Идишнинг шакли таом пиширишда

катта аҳамиятга эга. Масалан қорни кенг, оғзи тор сопол кўзаларда тайёрланган овқатлар хил – хил пишиб металл идишлардан фарқли ўлароқ, барча фойдали витаминларни ўзида сақлаб қолади. Кенг сопол кўзаларни олов ҳамма томонидан тенг қамраб олган ва иссиқлик беҳуда сарф бўлмаган, идиш оғзи эса махсус қопқоқ билан беркитилган. Ҳозир ҳам сопол кўзаларда ҳам мазали, ҳам фойдали шўрвалар тайёрланади.

Сопол, оғир чўян қозон – товоқлардан ҳам воз кечиблиб алюмин ва бошқа ёнғил металллардан ишланган замонавий идиш – товоқлар пайдо бўлди. Алюмин идишларда нордон ва ўткир таомлар тайёрланса ва сақланса, ундан зарарли моддалар ажралиб чиқади. Оз микдордаги кислотаси ҳам иситилганда алюминни бузади. Шунинг учун бундай идишларда ҳеч қачон озиқ – овқат сақлаб бўлмайди. Алюмин идишлар қўлай тез синмайди, пиширилган овқат тагига олмайди. Аммо унда сутли таомлар яъни ширғурча тайёрланганда алюмин оз микдорда бўлса ҳам таом таркибига ўтиб қолади. Сут қайнаётганда металл билан ишқор реакцияга киришади ва овқат металл билан “тўйинади”. Бу идишларда сабзавот қайнатиш ҳам ярамайди.

Бугунги кунда ҳам сопол қозон ва ёғоч идишларни топса бўлади. Масалан, кўпгина хонадонларда ёғоч чўмичу нон соладиган саватлар, ёғоч қошиқ ва човлиларни қўллайдиганлар талайгина. Сопол кўзаларда овқат пиширадиган замонавий уй бекалари ҳам йўқ эмас. Зеро, асрлар синовидан ўтган бу анъана ўлмас қадриятларимиз ва маданиятимизнинг бир қисми бўлиб соғлигимиз учун фойдалидир.

Муҳаббат ХЎЖАМУРОДОВА

### БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ -ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА  
АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР  
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ  
Шукур ЖАББОР

ОБУНА ВА РЕКЛАМА  
БЎЛИМИ РАҲБАРИ  
Ўктам АБДУЛЛАЕВ  
Тел: +998 90 0264090  
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18  
Нашр индекси-102.

МУАССИС:  
“Moliya yangiliklari agentligi” MЧЖ

Ахборот кўмаги  
Ўза, “Norma Hamkor” MЧЖ  
www.finance.uz

Тахририят манзили:  
100060. Тошкент ш., Юнусобод т.  
Осиё кўчаси 1а  
e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,  
Чоп этишга тайёрловчи:  
“Moliya yangiliklari agentligi” MЧЖ  
Газета тахририятнинг техник  
ускуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Кўлэмалар тақриб қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба куни чиқади. Буюртма № г 0048 А-1380 Нархи шартнома асосида. Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 07.07.2020 й., 1 2 3 4 5 6